

1-МАВЗУ: БИЗНЕСНИНГ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ ФАНИГА КИРИШ

Жаҳон иқтисодиётида рақамли иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. “Дунёда рақамли иқтисодиёт ўсиши суръатлари йилига деярли 20 фоизни ташкил этиб, тараққий этган давлатларда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 7 фоизга етган. Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг ЯИИМдаги улуши АҚШда – 10,9 фоиз, Хитойда – 10,0 фоиз, Ҳиндистонда – 5,5 фоизни ташкил этмоқда” (<https://review.uz/post/uzbekistan-otsifroviyvaetsya>).

Рақамли иқтисодиётни янада жадал ривожлантиришдаги аҳамияти COVID-19нинг тарқалиши шароитида яққол намоён бўлди. Бугунги кунда миллий ва минтақалар иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда рақамли иқтисодиётни жадал ва тизимли ривожлантириш, блокчейн, сунъий интеллект, булутли ҳисоблаш ва бошқа замонавий технологияларни мақсадли қўллаш долзарб масалага айланмоқда. Жаҳонда ҳудудий даражада рақамли иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва замонавий инфратузилмани қўллашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Бу борада иқтисодиёт ва тадбиркорлик муҳитини ривожлантиришдаги технологик жараёнлар ва рақамли трансформациялар, маҳаллий даражада жойларда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги ваколатларини кенгайтириш, рақамлаштириш жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда ҳудудларда рақамли тафовутларни бартараф этиш билан боғлиқ муаммолар юзасидан илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда 2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатини қаторига кириш мақсади қўйилиб, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Рақамли Ўзбекистон-2030” миллий дастурида ҳудудлар иқтисодиётини рақамлаштириш ва “рақамли технологиялар миллий бозори учун қулай муҳитни яратиш” каби қўйилган вазифалар мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион тараққиёт жараёнларини янада жадаллаштиришнинг асосий омили сифатида кўрилмоқда. (<https://review.uz/post/uzbekistan-otsifroviyvaetsya>). Рақамли иқтисодиётнинг умумэтироф этилган таърифи ва етарли даражада статистик маълумотлари мавжуд эмаслиги сабабли, унинг дунё ЯИИМ даги улуши 4,5 фоиздан 15,5 фоизгача ўзгариб туради.

Дунёда ахборот коммуникация технологиялари соҳасида банд кишилар сони 2010 йилдаги 34 млн. кишидан 2015 йилда 39 млн. кишига ортган, энг

кўп ишловчилар сони (38%) компьютер хизматлари соҳасига тўғри келмоқда. Худди шу даврда умумий бандлик соҳасида АКТ соҳасининг улуши 1,8 фоиздан 2 фоизгача ошди. АКТ секторининг энг катта таркибий қисми компьютер хизматларига тўғри келади, у тармоқда қўшилган қийматнинг 40 фоизини ташкил этади. Глобал компьютер хизматлари саноатида АҚШ етакчи ўринни эгаллайди ва ривожланаётган давлатлар орасида энг катта улуш Ҳиндистонга тўғри келади. Сўнгги 10 йил ичида АКТ ва рақамли технологиялар хизматларининг глобал экспорти барча хизматларнинг умумий экспортига қараганда тезроқ ўсди. 2018 йилда рақамли технологияларни экспорт қилиш ҳажми дунё бўйлаб хизматлар экспортининг 50 фоизини ташкил этди ва 2,9 трлн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг замонавий ривожланиш босқичи унинг шаклланиш даври ва ривожланишининг юқори динамикаси билан характерланади. Бу даврнинг ривожланиши бир томондан, келажакда ноаниқ ҳолатларга, иккинчи томондан, ривожланишнинг юқори динамикаси билан максимал даражада уйғунликда бўлиши билан характерлидир. Шаклланиш босқичининг иккинчи характерли хусусияти шуки, эски тузилмалар (институтлар, муносабатлар, агентлар)нинг янгиланиб ёки йўқолиб бориши тенденцияси ва шу билан бир вақтда, замонавий тузилмалар шаклланишининг уйғунликда бўлишидир.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлаш учун 2020 йил 5 октябрда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан - “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинганлиги билан асослаб бериш мумкин. Ушбу фармонда рақамли инфратузилма, электрон ҳукумат, рақамли саноат ва рақамли таълим каби устувор йўналишларни ривожлантириш белгилаб берилди. Ҳозирги глобал бутунжаҳон тенденцияларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон учун АКТдан жамиятнинг барча соҳаларида жадал фойдаланиш, шунингдек, рақамли технологияларнинг умумий ривожини инновацияларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантиради ҳамда жаҳон иқтисодиётига жадал суръатларда кириши ва интеграциялашувига сабаб бўлмоқда. АКТдан фойдаланиш ва рақамли технологияларни ривожлантириш орқали рўй бераётган жадал ўзгаришларни кузатиб, тадқиқотлар олиб бориш дунёнинг кўплаб мамлакатларида рақамли иқтисодиёт соҳасида изланишлар олиб бораётган олимлар учун мураккаб масала ҳисобланади. Шунинг учун РИни ўрганиш иқтисодий фан нуктаи назаридан ҳам, турли даражадаги бошқарув тизимларининг амалий жиҳатидан ўзгариши (трансформацияси) нуктаи назаридан ҳам, яъни электрон ҳукуматдан тортиб, турли объектлар (шаҳар, транспорт ҳаракати, уй, хона, автомобиль, ва ҳоказо)ларни смар-бошқарувнинг рақамли моделларигача ўрганиш ўта долзарб ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жоизки, юқорида қайд

этилган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонда рақамли иқтисодиётнинг илмий изланишларини кучайтириш масаласига ҳам етарли даражада эътибор қаратилди. Ҳозирги ахборот асрида, ҳар қандай давлатнинг барча соҳаларида рақамли технологиялар муҳим ўрин эгаллаган бир даврда, жамият янада барқарор ривожланиши ва тараққиётга эришиши учун рақамли билим ва ахборот технологияларига эътиборни қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Сабаби дунёнинг кўпгина давлатларида, айниқса, ривожланган ва юқори даражада ривожланаётган мамлакатларида рақамли иқтисодиёт анчагина тез суръатларда ўсиб бормоқда, лекин унинг тушунчаси ва миқдорий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар зиддиятли ҳамда чекланган бўлиб қолмоқда. Эндиликда фақатгина рақамли даврнинг келиб чиқишини аниқ тушунишнинг ўзигина етарли бўлмайди, унинг келажак истиқболларини башорат қилиш ҳам муҳим ҳисобланади, чунки муайян тармоқ бўйича кишилар билимига тегишли маълумотларнинг кўпайиши ҳар 2 – 3 йилда икки баробар (ахборот бозори соҳасида 0,5-1 йил)га ошмоқда.

Илмий адабиётларда рақамли иқтисодиётга таъриф беришда турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, иқтисодиёт назариясида умумий қабул қилинган таъриф ҳанузгача мавжуд эмас. “Рақамли иқтисодиёт” тушунчасига турлича изоҳлар берилган. Рақамли иқтисодиётга берилган таърифларнинг хилма-хиллиги, шунингдек, унинг моҳиятига яхлит нуқтаи назарнинг мавжуд эмаслиги, мавжуд назарий-методологик ёндашувларни таҳлил қилиш ва тизимлаштиришни зарур қилиб қўяди. Талқин моҳиятига муайян тарихий даврнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам таъсир кўрсатади. Янги ҳодисалар ва тенденцияларни ўрганиб ва таҳлил қилиб, турли даврларда муаллифлар замонавий неоиқтисодиётнинг янги хусусиятларини тавсифлашда турли атамалардан фойдаландилар.

Рақамли иқтисодиёт тушунчасига аниқлик киритишда у ёки бу тушунчани талқин қилиш учун унинг вақт ва ҳозирги тенденцияларни (айниқса, технология соҳасида) акс эттиришини таъкидлаш зарур.

Глобаллашув жараёнлари, рақамлаштириш, халқаро рақобатнинг кучайиши ва соҳалар интеграциялашуви жаҳон мамлакатлари олдига энг қисқа вақт ичида самарали ҳал этилиши зарур бўлган янги вазифаларни қўймоқда. Глобал ва миллий капитал бозорларида рақамли технологиялар, жумладан, дастурий таъминот, интернет ўйинлари, электрон тижорат, катта ҳажмдаги маълумотлар базаси массивларини сақлаш технологияси ҳамда бошқаларга сармояларнинг ортиши ҳисобига таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли бозорларнинг ривожланиши аҳолининг таълим даражаси юқори бўлган мамлакатларда осон кечаётганига гувоҳ бўляпмиз. Янги эҳтиёжлар, ахборот тезлиги ва ҳажми кундан кунга ортиб бориши натижасида рақамли иқтисодиётда янги маҳсулотлар яратиш орқали эҳтиёжларни арзон,

тез, самарали қондиришга эришилади. Шу сабабли, ҳар бир мамлакат глобал бозорларга чиқиш учун рақамлаштириш имкониятларидан унумли фойдаланади.

Шу билан бир қаторда, глобал миқёсдаги иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар ривожланаётган давлатлар томонидан янги тенденцияларга мослашиш жараёнида жаҳон тажрибасини тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Бугунги шароитда самарали фаолият юритиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ва умуман мамлакатлар барқарор иқтисодий алоқаларни ўрнатишдан манфаатдор бўлган ҳамкорлар тўғрисидаги маълумотларга муҳтож. Миллий иқтисодиёт ва унинг ҳар бўғинида иштирок этувчи субъектлари ахборот алмашиш ва рақамли бошқаришда барқарор ривожланишга интилиши, замон ва маконга мослашиши зарур. Рақамли иқтисодиёт асосида ҳар бир давлат глобал бозорда экспортёр корхоналарнинг улушини оширишда ҳамда рақобатбардошлигини таъминлаш учун институционал ва инфратузилмавий рақамли муҳитни яратиши, иқтисодиётнинг юқори самарадор рақамли технологияли тармоқларини ривожлантириши ва иқтисодиётда инсон омилини чеклаш орқали ҳал этиш мумкин.

Барқарор иқтисодий ривожланишга интилган аксарият давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳамжиҳатлик, эркинлик, шаффофлик, очиқлилик тамойилларига асосланган ижтимоий муносабатлар тизимини шакллантиришга интилмоқда. Ички ва ташқи омилларнинг доимий таъсирини баҳолаб бориш негизида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини танлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали экспорт салоҳиятини ошириш, миллий иқтисодиётни юқори суратда ўсишини таъминловчи ва глобаллашув жараёнларига рақобатбардошлигини таъминлаш воситаси сифатида рақамли иқтисодиётнинг ролини оширишга қаратилган муҳим стратегик мақсадларни олдига қўйиб ҳаракатланмоғи лозим. Улардан асосийлари экспорт ҳажминини оширишда сармоявий-инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш бунда макро (давлат) ва микро даражадаги (корхоналар) ва жамоатчилик билан алоқаларни рақамлаштириш орқали эришиш мумкин. Бу борада давлатимизда қатор ишлар олиб борилмоқда, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699 қарори айнан рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни амалга оширилиши белгилаб берилган:

2023-йилга келиб мамлакат ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улушини 2 бараварга кўпайтиришни назарда тутган ҳолда, шу жумладан ишлаб чиқаришни бошқаришда ахборот тизимлари комплексини жорий қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятда ҳисобот юритишда дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, технологик жараёнларни автоматлаштириш орқали ушбу жараёнларни жадаллаштириш;

2020-2021-йилларда барча мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини, шунингдек, қишлоқлар ва маҳаллаларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш ва алоқа хизматлари сифатини оширишни кўзда тутган ҳолда мамлакатнинг рақамли инфратузилмасини тўлиқ модернизация қилиш ва замонавий телекоммуникация хизматларидан барча ҳудудларда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

таълим тизимининг барча босқичларида рақамли технологияларни кенг жорий этиш ва замонавий иқтисодиёт учун зарур бўлган рақамли билимларнинг даражасини ошириш, таълим инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, “Беш ташаббус” лойиҳасини амалга ошириш доирасида 2022-йилга қадар республиканинг барча ҳудудларида рақамли билимларга ўқитиш марказларини очиш;

2022-йилга қадар электрон давлат хизматлари улушини 60 фоизгача йеткизишни назарда тутган ҳолда давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш ҳамда интеграция қилиш, давлат маълумотлар базаларидаги ахборотларни унификация қилиш, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш тартиботларини оптималлаштириш ва тартибга солиш орқали электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш;

дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва технологик майдончалар яратиш орқали “рақамли тадбиркорлик” ни ривожлантириш, 2023-йилга келиб ушбу соҳадаги хизматлар ҳажмини 3 бараварга ошириш ва уларнинг экспортини 100 миллион долларга етказиш.

Зеро, бу устувор йўналишлар тизимли йўлга қўйилса меҳнат унумдорлигини оширишга, иқтисодий ўсишни таъминлашга, янги иш ўринлари яратишга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни жаҳон бозорига олиб чиқишга, мамлакатда экспорт салоҳиятини оширишга ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини оширишга ҳисса қўшади ва жамият тараққиётини фаол рағбатлантиришга эришилади.

Мамлакатимизнинг асосий экспорт ҳажмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилади. Бу борада сув хўжалигида “Рақамли қишлоқ хўжалиги” ахборот тизимини яратиш сув таъминоти ҳамда канализация объект-ларининг геоахборот тизимини шакллантириш, ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш бўйича иншоотларда сув ҳисобини электрон тарзда юритувчи ахборот тизимини жорий этиш, Ўзбекистонда ахборот-

коммуникация технологиялари асосида сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш мастер режаси ва пилот лойиҳасини амалга ошириш, йерларнинг шўрланиш даражаси ва мелиоратив ҳолатини мониторинг қилиб борувчи ахборот тизимини яратиш, сув кадастри билан боғлиқ ахборотни олиш, идоралараро ўзаро ахборот алмашиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш ҳамда статистикасини юритишни таъминлайдиган рақамли технологияларини яратиш жараёнлари кетмоқда.

Ўзбекистонда рақамли технологиялардан фаолроқ ва малакали фойдаланиш, иқтисодий ўсишни тезлаштириш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш билан бир қаторда, шубҳасиз, маиший хизматларнинг сифати ва рақобатбардошлигига айниқса рақамли шаклда тақдим этиладиган хизматларга ижобий таъсир кўрсатиши керак - бу уларнинг экспортини кенгайтиришга хизмат қилади. Ушбу ўзгаришлар натижасида мамлакатимиз рақамли хизматлар ўсишда етакчи бўлган глобал хизматлар бозори тенденцияларига яхшироқ мослаша олади ва рақамлаштириш кучайиб бораётгани сабабли савдонинг ушбу сегментида очилаётган имкониятлардан фойдалана олади. Масалан, мамлакатимизда хорижлик талабаларнинг кундузги таълимидан ташқари, ушбу хизматларни рақамли шаклда ҳам кўрсатиш мумкин. Шу кунларда рақамли технологиялар географик чегаралардан ошиб кетадиган виртуал синф хоналарини яратади ва фуқаролигидан қатъий назар талабаларга оммавий очик онлайн курсларни тақдим этиш имконини беради. “Class central” очик онлайн курсларнинг онлайн каталогидир ва ҳозирда бутун дунёдан 80 миллиондан ортиқ талабаларни қамраб олади. Таққослаш учун, Европа ва АҚШ университетларида талабалар сони 20 миллион кишини ташкил қилади.¹

Ўзбекистонлик тадбиркорлар бошқа бизнес хизматларини, хусусан, бухгалтерия ҳисоби, таржима, матбаа, дастурлаш, технологияларни ишлаб чиқиш, турли профессионал ва консалтинг хизматлари ва ҳоказоларни экспорт қилишда иштирок этишлари учун етарлича шароит мавжуд. Шунингдек, савдо учун махсус глобал платформалар мавжуд бўлиб ушбу хизматлар 2016 йилда дунёда шу тоифидаги хизматлар бозорининг ҳажми 4 миллиард доллардан ошди ва ҳар йили камида 25 фоизга ўсиши кутилмоқда.²

Булутли иш, телепресенсия ва телероботика каби технологиялар такомиллашгани сари Ўзбекистон хизматлари экспортчилари учун ҳам янги имкониятлар пайдо бўлади. Улар хизматлар савдосини тартибга солишдаги тўсиқларни олиб ташлаши ва хизмат кўрсатувчи провайдерлар ва мижозлар учун саёҳат харажатларини қоплаши мумкин. Бундай ўзгаришларнинг оқибатлари инқилобий бўлади. Ўз хизматларини масофадан туриб тақлиф

¹ World Trade Report 2018. The Future of World Trade: How Digital Technologies are transforming global Commerce, WTO, 2018, P. 82-83

² Спартак А.Н. Последствия цифровой трансформации для международной торговли//Российский внешнеэкономический вестник.2018, №5, С.17

кила оладиган камбағал мамлакатлардаги ишчилар бой мамлакатлардаги ишчилар билан рақобатлашади. Келажакда бу кўплаб хизматлар савдосини бутунлай ўзгартириши мумкин. Етказиб берувчини дунёнинг исталган нуқтасида топиш мумкин ва фақат истеъмолчи хизмат сифати ва нархига эътибор қаратади.

Рақамли технологияларнинг аниқ афзалликлари ва уларнинг маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларига умумий ижобий таъсирига қарамай, улардан кенг фойдаланишнинг баъзи оқибатлари, хусусан, шахсий маълумотлар устидан назоратни йўқотиши, бозорлардаги йирик компаниялар ва рақамли тафовут кучайиб бораётган ҳукмронлик билан боғлиқ муаммоларни туғдиради. Ушбу хатарларни камайтириш ёки бартараф этиш учун уларни бошқариш бўйича махсус дастурлар зарур бўлиб, улар рақамлаштиришни бошқаришнинг умумий дастурларининг ажралмас қисмига айланиши керак, бу нафақат ушбу таҳдидларни бартараф этиш, балки рақамлаштиришнинг афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш ва миллий иқтисодиёт ва мамлакат ижтимоий соҳасини янги технологик даврга мос келадиган даражага кўтариш лозимлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. G. Oswald und H. Krcmar (Hrsg.), Digitale Transformation, Informations management und digitale Transformation, https://doi.org/10.1007/978-3-658-22624-4_14. 2018 у.

2. Elena G. Popkova • Bruno S. Sergi. Editors Digital Economy: Complexity and Variety vs. Rationality. 2020 у.-1050 р.

3. Современная цифровая экономика: монография / В. И. Лойко, Е. В. Луценко, А. И. Орлов. – Краснодар: КубГАУ, 2018. – 508 с.

4.. Kenjabaev A.T., Karimova Z.X. Information and communication technologies as an important factor of economic development of Uzbekistan.L Association 1901 "SEPIKE" ([http:// www.worldcat.org/title/journal-lassociation-1901-sepike/oclc/878956792&referer=brief results](http://www.worldcat.org/title/journal-lassociation-1901-sepike/oclc/878956792&referer=brief%20results)). Page 78-81.

5. Кенжабаев А.Т., Икрамов М.М. Перспективы развития ИКТ и электронное правительство в экономике Узбекистана. Экономика, статистика и информатика. Вестник УМО №2, 2015г., стр. 221-224, <http://www.umo.mesi.ru/>.

6. Kenjabaev A.T., The role of internationale cooperation for Uzbekistan's innovation policy. Proceedings of the Tashkent international innovation forum. TИIF-2015 From Innovatie Ideas To innovatie Economy. Tashkent," O'ZBEKISTON"-2015, ww.uzscience.uz/upload/userfiles/files/innovation/all.pdf. Page 67-70.